

Сеҳриё МИРЗАЕВА:

САҲНАГА ҲИНАБМАС,
ҲЙЛАБ ЧИҚИЛАДИ



4



ЯШАШ БОШҚА,
ҲОЮ-ҲАВАС БОШҚА

5



ЮРАК

6



ҲАЁТНИ СЕВГАНЛАР
БАҲТЛИДИР

8



ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

Катта йўл бошида турган навқирон ёшларнинг юрагида ҳаяжон. “Буюк юрт фарзандларимиз!” дея ҳайқираётган бу йигит-қизлар истиқлолимиз шарофати туфайли дунёни ўзларининг ўткир тафаккури, теран нигоҳлари билан англаётир. Ота-оналар, айниқса, уларга ўз боласидек меҳрибонлик кўрсата олган устозларни айтмайсизми? Ўзларининг намунали хулқи, аъло ўқиши, энг муҳими, бугунги ҳаётга ўзгача муҳаббат билан боқаятган ўғил-қизларнинг қўлларида

турган битирув дипломларини оҳиста ушлаб, оқ йўл тилаётиб, кўзларга севинч ёшлари келади...

СУРАТДА: Наманган муҳандислик-педагогика институти қошидаги Учқўрғон академик лицейида таълимни муваффақиятли тамомлаган 129 нафар битирувчига дипломлар тантанали равишда топширилди.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
(ЎЗА) сураат-лавҳаси.

ҲИКМАТ
Онадан тарбия кўрмаган қиз ёмон, Отадан таълим олмаган ўғил ёмон.

“Кўркут ота китоби”

Ўғилой Турсунова 110 мингга яқин ўқувчи-ёшлар иштирок этган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг Фарғона вилояти босқичида энгил атлетика бўйича биринчи ўрин соҳибаси бўлди. Сухбатимизни шундан бошладик.

ПАРВОЗ МАЙДОНИ

— Катнашчиларнинг 36 мингдан зиёдроғи қизлар. Демак, "Умид ниҳоллари" улар учун ҳам парвоз майдонида айланган. — дейди мусобақа таассуротлари ҳақида тўхталаркан Ўғилой. — Шу орқали тенгдошларимиз ўртасида спортнинг оммавийлиги ошмоқда, соғлом турмуш тарзи қарор топмоқда. Чунки бу мусобақалар Олимпиада таъминоти асосида ўтказилди. Ёшларнинг жаҳон чемпионатлари ҳамда китъа биринчиликларида, Олимпиада ўйинларида муносиб катнашиб келаётгани ҳам мана шундай омиллар билан боғлиқдир.

Ўғилой айна вақтда Фарғона олимпия захиралари коллежиди тахсил олмақда. Бу ерда ўрганганлари, қолаверса, Марғилон шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиди сабоқлар чемпионнинг порлок



Спортимиз маликалари

лари эса унга янги рух, шижоат бағишлади.

— Энгил атлетика бошқа спорт турларидан бирмунча мураккаб. Чунки унинг йўналишлари кўп. Қизларнинг бу спорт билан фаол шуғулланиши ҳам қийинчилик туғдириши табиий, — дейди мураббий Дилшоджон Абдурахмонов. — Ўғилой бундан 4 чўчигани йўқ. Унинг ютуқлари мисолда эса битта ҳақиқатни қувонч билан айтиш мумкин: мамлакатимизда қизлар спортига эътибор юксак даражада!

Ўйлаيمизки, Ўғилой ҳали жаҳон чемпионатлари ва халқаро мусобақаларда ҳам юртимиз шафони муносиб ҳимоя қилади.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ.
Фарғона вилояти.

камолотиға йўл очиб берди. 2013 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган республика чемпионатида, жорий йилда эса Қашқарда вилоятидаги турнирда Ўғилой фахрли биринчи ўринга лойиқ кўрилди. Бухорода ўтказилган "Баҳор маликалари" спорт мусобақа-

ри билан тақдирланди.

Тадбир доирасида "Йилнинг энг яхши китобхони", "Йилнинг энг яхши тадбир иштирокчиси", "Йил аълочиси", "Йилнинг энг яхши иқтидорли ўқувчиси" номини қўйилган бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

— Уч йил мобайнида кадрдон коллежимизда фидойи устоз ва мураббийлар қўлида тахсил олиш баробарида, замонавий касб-хунар сирларини ҳам пухта эгаллашга интилдик. Шу ўринда мен жонкуяр ўқитувчим Озода Бобомуродованинг бизларга ўзининг бой тажриба ва маҳоратини ўргатишдаги беёминнат хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим. У кишининг кўмаги туфайли қатор танловларда катнашдим, "Баҳорни кўмсаб" деб номланган китобимни чоп эттиришга муваффақ бўлдим. Орзуларим бир олам. Насиб этса, мен Ўзбекистон Миллий университетига ҳужжатларимни топширмоқчиман, — дейди "Йилнинг энг истеъдодли ўқувчиси" дея эътироф этилган Нигина Бобоева фахрга тўлиб.

— Мен эса Тошкент давлат аграр университетига ўқишга киришни ният қилганман, — дейди Афсона Қўнонова. — Нега десангиз, биз яшайдиган ҳудуд ўрмон хўжалигиға яқин бўлганлиги учун табиатни муҳофаза қилиш бўйича кадрларға эҳтиёж катта.

Шу кунни тумандаги Агробизнес касб-хунар коллежиди ҳам битирувчиларға диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Коллеж директори Баҳодир Жўраевнинг таъкидлашича, 962 нафар битирувчи 6 та йўналиш бўйича тахсил олиб, 381 нафар йигит-қиз таълимнинг кейинги босқичиға йўлланма олдилар. Янги ўқув йилида эса 9-синфларни тамомлаган 350 нафар ўқувчи ушбу даргоҳда тахсил ола бошлайди.

Шавкат СУЛТОНОВ,
Қашқадарё вилояти.

ҲУҚУҚЛАР КАФОЛАТЛАНГАН

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, оналик ва болаликни, аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувори йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги бежиз эмас.

Бу борада мамлакатимизда бир қатор қонунлар, ҳукумат қарорлари, дастурлар қабул қилинган ва уларнинг ижроси таъминланмоқда. Шунингдек, давлатимизнинг Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб, яъни 1995 йилда "Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариға барҳам бериш тўғрисида" ги халқаро Конвенция (CEDAW) ни ратификация қилганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир.

Бугунги кунда 185 та давлат мазкур конвенция иштирокчилари ҳисобланади ва бу давлатлар ўз зиммасига жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларида аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш мажбуриятини олган.

Чортоқ тиббиёт коллежиди мазкур халқаро конвенцияни ҳаётга кенг тадбиқ этиш орқали оилада соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда вилоятидаги бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Семинарда иштирокчилар Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг халқаро лойиҳалар ва дастурлар бўйича эксперт-консультанти, семинар тренери Венера Эрметова раҳбарлигида 30 та моддадан иборат мазкур халқаро ҳужжатнинг норма ва тамойилларини ўрганиб, моддаларини мамлакатимиз қонунчилигиға мувофиқлигини таҳлил этишди. Шунингдек, ҳудудлардаги хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида амалға оширилаётган чора-тадбирлар, оилада ҳуқуқ тартибининг бузилиши сабаблари, турлари, даври ва оқибатлари, бунинг олдини олиш бўйича ижтимоий ҳамкорлик тамойиллариға асосланган, тизимли ва манзилли чора-тадбирларни бажариш масалалари атрофида муҳофаза қилини ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

— Ҳозирги кунда хотин-қизлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида фаол кучға айланмоқда, — дейди семинар иштирокчиси, вилоят халқ таълими бошқармаси услубчиси Азиза Тошназарова. — Бироқ жамиятнинг бш бугини ҳисобланган оилаларнинг барчасида ҳам хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўлақонли кафолатланмаган. Бунинг ўзига ҳос сабаб ва муаммолари бор. Бугунги семинарда биз батафсил танишиб чиққан конвенция моддалари айнан ушбу сабаб ва муаммоларни бартараф этишда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Уни ҳаётга кенг тадбиқ этиш орқали оилаларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантиришға эришишимиз мумкин.

Худди шундай семинар вилоят ички ишлар тизимининг Наманган шаҳри ва туманларида фаолият олиб бораётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика инспекторлари иштирокида ҳам бўлиб ўтди.

Семинарларда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси етакчи мутахассиси Гулмира Тлеуова ва Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Манзура Азизова катнашди.

Шахло ТОШБЕКОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.
Наманган вилояти.

Тақдимот

"КАТТАҚҮРҒОН ГУЛДАСТАСИ"

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан Самарқанд вилоятида ҳам бир қатор хайрли ишлар амалға оширилмоқда.

Яқинда "Каттақўрғон тонги" газетаси таҳририяти ташаббуси билан Каттақўрғон шаҳри ва туманида истиқомат қилаётган, умрининг асосий қисмини халқ таълими тизимини ривожлантиришға, фарзандлар тарбиясиға бағишлаган Марди Нуриддинов, Ғайрат Шукуров, Рустам Бобомуродов, Мэлс Тошев, Мели Жумаев, Эратош Шукурова, Адолат Тоймуродова, Умарали Маматов, Ибодат Мирзаева каби бир гуруҳ устоз-ижодкорларнинг асарларидан намуналар тўплаб, "Зарафшон" нашриёти томонидан "Каттақўрғон гулдастаси" номли китоб чоп этилди.

Мазкур тўпламға, бир гуруҳ шоғирдлар — ўқувчи талабаларнинг ижодидан намуналар ҳам киритилган.

Исматулла УМАРОВ,
Мамадали ЭРҒАШЕВ,
фахрий журналистлар.

"Битирувчи — 2015"

Айни кунларда ўрта-маҳсус касб-хунар таълими тизимиди битирувчиларға диплом топшириш тадбирлари қизғин кечаёттир. Қашқадарё вилоят ўрта-маҳсус касб-хунар таълими бошқармасидан олинган маълумотға кўра, бу йил мавжуд 144 та таълим муассасаларини 47814 нафар битирувчи тугаллаб, уларға эгаллаган мутахассисликлари бўйича дипломлар топширилади.

ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАР



Яккабоғ саноат ва қайта ишлаш касб-хунар коллежиди битирувчиларға дипломлар топшириш кечаси ўзгача руҳда бошланди. Катта ҳаёт остонасиға қадам қўяётган ёшларнинг юз-кўзларидаги қувончу ҳаяжонни таърифлашға сўз ожизлик қилади. Коллеж бошланғич хотин-қизлар кенгаши раиси, "Ораста қизлар" клуби раҳбари Гулнора Ўроқова тадбирини очиб берди.

— Илм масканимизда 7 та йўналиш бўйича 789 нафар йигит-қизлар турли касб-хунар сирларини ўрганишмоқда, — дейди коллеж директори Аброр Бобомуродов. — 300 нафар битирувчи орасидан ўз



билим ва салоҳияти, иқтидор ва истеъдодини намоён эта олган 27 нафар битирувчи имтиёзли дипломға эға бўлди. Шунингдек, Мархабо Очилова раҳбарлигидаги гуруҳ "Йилнинг энг фаол гуруҳи" деб топилди, фахрий ёрлик ва эсдалик совғала-

Юз билан юзлашганлар

ШУКРОНАСИ ТИЛДАН ТУШМАЙДИ

— Болам, одамзод бамисоли дарахдир, кўкариб, гуркираб яшнагани сайин унинг соясидан, меҳнатининг меваларидан кўпчилик бахраманд бўлади. Улкан дарахт илдизидан нихоллар униб чиққани каби, одамларнинг умри ҳам болалари, набиралари ҳаётида давом этади, гўё.

Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, пасту баландини кўрган, болалик йиллари бошидан очлик, йўқчилик ўтган Асолат бувимнинг ана шундай ҳикматларини эшитиб ўсганман. Эсимда, унинг сўзларини тинглаб-ўтириб, бир ҳовли бола "Эна, сиз қайси дарахтсиз, биз қайси дарахтимиз?" деб роса чуғурлашарди.

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани Жавлон қишлоғида яшаётган 92 ёшли бувим — Асолат Исхандарова салкам қирқ йил қишлоқ ҳамда туман мактабларида она тили ва адабиёт фанидан дарс берган. У тилимизни ўзгача меҳр билан эъзозлайди. Халқ кўшиқлари, маталлари, айтим ва йўқловларни яхши билади. Ғўзал оҳанглари ҳазин товушда хиргойи кала бошлаганида биз — бир этак неварачеваралар маҳлиё бўлиб кулоқ тутардик.

Бувимнинг хотираси бутун эканига ҳамиша қойил қоламиз. Ўтган асрда ўқитган ўқувчиларини номма-ном ёдга олади, оилавий тадбирларни, қувончли кунлар, набираларининг ҳарбий хизматга жўнатган ва уйга қайтган кунини соат ва дақиқаларигача унутмайдилар. Ҳикояларини эшитсангиз, худди тарих кўз олдингизда жонланади: "Ўтган асрнинг ўттизинчи-қирқинчи йиллари, мамлакатда очарчилик бўлган даврларда ҳам мен учун энг азиз буюм (балки суянцигим ҳам) китоб эди. Китоб жуда камёб бўлиб, нондек азиз эди. Худди ноннинг ушогини териб егандек, китоб варагининг уволдидан кўриб биров ерга ташламасди", дея ҳикояларини давом эттирадлар.

Бувимнинг ўқувчилари, шогирдлари ҳам аллақачон кексайиб улгуришган. Улар йўқлаб келганда ёш боладек қувонади, салкам икки асрни кўрган мунис чеҳрасидан нур ёғилади. Сўхбатларига кулоқ тутсангиз, тарихий кино кўраётгандек бўласиз. Чунки уларнинг ҳикоясидаги мактаб ҳам, маҳалла ҳам буткул бошқача. Катта бувим мактабга борганида ҳамма битта катта хонада ўтириб ўқиркан. "Уларни битта ўқитувчи ўқитар, дарсликлар етишмас, ҳозиргидек замонавий синфхоналар, ахборот марказлари қаерда, дейсиз? Ҳамма ўқиётганига шуқр қиларди, холос", деб хотирларди бувим.

— Онам тиккан бўз сумкани кўтариб, севиниб ўқишга ошиқардим, — дейди бувимнинг. — Бироқ сумкага соладиган дарслик ёки дафтарнинг ўзи йўқ эди. Қорнимиз тўймас, эгнимиз ювила-ювила охори тўқилган кийимлардан бошқанини кўрмас, шундай оғир даврда ҳам одамлар бир-бирга меҳрибон, оқибатли эди. Айниқса, Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимизнинг нақадар бағрикенглиги, олижаноблигига бутун дунё қойил қолганди. Қишлоғимизда ҳам уруш сабаб ота-онасидан, уй-жойидан айрилган турли миллат болалари кўп эди. Уйда бир бурда нон бўлса, эналаримиз бизга эмас, уларга беришарди, халқимиз ҳар қандай вазиятда ҳам меҳмондўст-да, болам. Қора чироқ ёруғида оналаримиз билан эрталабгача кашта тикардик. У замонларда

ўсмир қизлар овқат пиширишни, уй тутиш билан бир қаторда тикиш-бичишни билишлари шарт эди. Ота-онам: "Болам, меҳнатдан қочма, меҳнатнинг таги роҳат, ҳаракат қилган одам албатта, меҳнатининг баракасини олади", дейишарди. Уларнинг умри меҳнатда ўтди. Урушнинг оғир йилларида ҳам бирор марта тақдирларидан нолимаганлар, бизни ҳам шунга ўргатганлар. Онам раҳматли ҳар куни кўшилларга насиба чиқарар, умрининг охирига қадар бу одатларини қанда қилмадилар. Бир ҳовуч майизми, тўртта туршакми, бир қафт олма қоқими, ишқилиб, бизниқига Тангри берган ризқдан насиба улашарди. "Бугдой нонинг бўлмаса ҳам, бугдой сўзинг бўлсин, бировнинг кўнглини

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон тумани Жавлон қишлоғида яшаётган 92 ёшли бувим — Асолат Исхандарова салкам қирқ йил қишлоқ ҳамда туман мактабларида она тили ва адабиёт фанидан дарс берган.

кўтариш ҳам — саховат. Ҳеч қачон кимдандир гина-кудурат саклаб юрма, чунки кек сақлашининг юки оғир. Шу юк сенинг қалбингни тошдек босиб турса, ишинг унмайди", деган насихатларга амал қилиб кам бўлмадик.

Бувимнинг тилидан шукроналик тушмайди. Ҳар бир кунимизга, обод ва фаровон турмушимизга шуқр қилдилар.

— "Кексаларни эъзозлаш йили", деб биз каби юз билан юзлашаётганларни қадрлаётган Юртбошимизга минг раҳмат, болам. Қарияларнинг хурматини жойига қўйиш, менимча, уларнинг ўғитларига кулоқ солмоқ дегани, бўлса керак. Ёшимиз ўтгани сайин яхши гапнинг гадоси бўлиб бераверарканмиз. Неваралар, чеваралар ҳар байрамда: "Бу йил сизнинг йилингиз бувижон!" деб жилмайиб кириб келишса, ёш боладек шодланаман. Чевараларимни айтмайсизми, боғча опалари ёрдамида байрамларда қоғоздан гул ёки табриқнома ясаб келиб, бизни хурсанд қилади. Болалигимизда бундай совғалар ясаш кимнинг ҳаёлига келибди, дейсан, совға тугул боғчанинг ўзи ҳам йўқ эди-да. Шу ширинтойларнинг хурсандчилигини кўриб ич-ичимдан қувнаб кетаман, кўнглим яйрайди. Раҳматли онамининг: "Шуқр қилинлар, шукронаси бор дилнинг баракаси бор!" деган ҳикматлари бот-бот қулогим остида жаранглайди. Бувим қариб кўп гапирадиган бўлиб қолибди, демагин болам, бу гапларнинг ҳаммаси қарз. Бир кун менинг ёшимга етганинда, сен ҳам бу гапларни неварачевараларингга айтиб берарсан...

Бувим шундай дея ўзи суяниб ўтирган каштали ёстиқни ажин босган қўллари билан силаб қўяди.

— Онам раҳматлидан ёдгор бу... Бувимнинг ҳикматларидан кўнглим ёришиб бораверади. Шундай кезларда "Қари билганини пари билмас" мақоли замирида қанчалар улкан ҳаёт фалсафаси борлигига амин бўламан. Момоларимиз ва боболаримизнинг умр йўллари биз учун бамисоли ибрат водийсидир.

Нозима МИЯССАРОВА,
ЎзМУ талабаси.

Бу йил ўзининг табарруқ 77 ёшини қаршилаган чортоқлик Одилжон Мўминовни наманганлик қаламкаш журналистлар устоз сифатида қадрлашади.



2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

УСТОЗЛИК САОДАТИ

— Ҳаётимнинг қирқ йилини радиожурналистика соҳасига бағишладим, — дейди Одилжон ака биз билан сўхбатда. — Кўпчиликка зарур хабарларни етказиш, ахборот, мақолалар тайёрлаш, турли касб ва тоифа инсонлар билан сўхбатлар уюштириш умрим мазмунига айланиб қолган эди.

Одилжон Мўминовнинг Маҳмуджон Парпиев, Носиржон Деҳқонов, Аҳмадали Адашев, Исроилжон Юсупов, Дилбар Хайдарова каби ўнлаб иқтидорли шогирдларини бугунги кунда нафақат водийда, балки республика миқёсида ҳам кўпчилик танийди.

— Фидойи устозимга ҳавасландим, шу соҳани танлаганман, — дейди "Адолат" газетаси муҳбири Саидолим Абдурахмонов. — Касбимизнинг сир-асрорларини дастлаб у кишидан ўргандим.

— Вилоятимиз матбуоти ҳақида гап кетганда раҳматли Собир Турғуновни хотирлайман, — дейди Одилжон ака. — Чунки у ёзишни "ўйнатаиб" юборарди. "Наманган ҳақиқати" газетасида чиққан ҳар бир мақоласи доим "тишли-тирноқли"ли бўларди. Ҳамиша ўқувчи-га янги гап айтишга интиларди. Ваҳоланки, ижодкорнинг биринчи гал-

даги вазифаси ҳам айнан янги сўз айтиш эмасми.

Одилжон ака нафақат яхши журналист, ижодкор, балки намунали оила бошлиғи сифатида ҳам элдошлари орасида обрў қозонган. Саврихон ая билан ҳамма ҳавас қилгулик оила кўрғонини яратди. Бир этак фарзанд, ўнлаб неварачеваралар бугун уларнинг атрофида парвона.

— Бахтли замоннинг бахтли фарзандларига ҳар қанча ҳавас қилсангиз, — дейди Одилжон ака. — Ҳозир қаерга қўл узатсак, етади. Фақат интилиш, меҳнат қилиш керак. Афсус, биз кексайиб қолдик, бўлмаса ишлаб чарчамайдиган давр келди. Болаларни меҳнатга ўргатиш билан бирга, уларнинг онига бугунги кунларга шукроналик ҳиссини янада сингдиришимиз лозим. Ҳаётимизнинг фаровонлиги, хонадон ва маҳаллаларимизнинг ободлиги юртимиздаги тинчлик-оқошхалик мевасидир. Шундай улуг неъматларнинг қадрига етишимиз керак.

Мухаммадраҳим
УММАТОВ,
Наманган вилояти,
Абдумутал МАТКАРИМОВ
олган сурат.

Ф а о л и я т

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Маънавият тарғибот маркази "Қамолот" ЁИХ, туман "Маҳалла" жамоат фонди бўлими билан ҳамкорликда 15-умумтаълим мактабида "Одам савдосига қарши курашиш ва диний экстремизм, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, мобил телефонларидан фойдаланиш тартиби" мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди.

Фарзандларимизни глобаллашув шароитида диний экстремизм, ҳуқуқбузарликлардан асраш, уларни соғлом фикрли келажагимиз ворислари этиб тарбиялаш, аҳолини одам савдосига қарши курашишда бирдамликка қорлаш, мобил алоқа воситаларидан фойдаланишда ахлоқ меъёрларига риоя этиш масалаларига қаратилган тадбирда маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, ота-оналар, нуронийлар иштирок этишди.

— Дунёнинг турли ҳудудларида кечаётган таъшишли жараёнлар ҳар биримизни сергақликка, ҳушёрликка қорлаш лозим, — дейди Пахтаобод ҚФЙга қарашли Қундузак

маҳалласи раиси Абдувақил Умирзоқов. — Ёт гоёлар, ахборот хуружларидан барчани, айниқса ёшларимизни асраш, уларни миллий анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялаш барчамиздан ўзаро ҳам-жиҳатликини, бирдамликни талаб этади. Энг аввало, бу борада "Оила — Маҳалла — Таълим муассасаси" тамойили асосида изчил равишда олиб борилаётган амалий ҳамкорликдаги тадбирларимиз самарали натижани бераётганини таъкидлаш жоиз.

Тадбир доирасида болаларни спорт тўғралакларига кўпроқ жалб этиш, айниқса, уларнинг интернет хизматлари, шунингдек, мобил алоқа воситаларидан фойдаланишларида меъёр масалаларига жиддий эътибор қаратишлари лозимлиги таъкидланди. Эътиборли жиҳати, бундай долзарб ва қизиқарли маърифий мавзуларга бағишланган тадбирлар тумандаги барча ҳудудларда мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Шухрат РАЖАБОВ,
Ўрта Чирчиқ тумани
Маънавият тарғибот
маркази раҳбари.



Сехриё МИРЗАЕВА:

САҲНАГА ҲАЙНАБМАС, ҲАЙЛАБ ЧИҚИЛАДИ

— Сехриё, ижодкор халқи борки, ички қалб кечинмалари сўзга ёки мусиқа, қўшиққа айланаётганидан роҳатланиб яшайди. Сизданчи, айнан ана шу оғир жараён қандай кечади?

— Биласизми, ёзувчи-шоирлар ёзган асарини қоғозга туширганидан кейин уни неча ўн марта қайта-қайта қўриб, камчилик-нуқсонларини тузатиши, тўлдириши мумкин. Рақсда эса бундай имконият деярли йўқ. Рақсни саҳналаштиришдан аввал, қанча тайёргарлик қўриб, ҳайъат аъзолари олдида биргина хатоликка йўл қўйилса, уни тузатиш мушкул. Тасаввур қилинг, мен ижро этаётган рақсни қаршимда ўтирган устозларимдан бири ҳам бир пайтлар маҳорат билан талқин этган бўлиши мумкин-ку! Ҳа, пайтда, энг аввало, ижро маҳорати, дид ва савия юқори ўринда туриши лозим деб ўйлайман. Акси бўлса, катта санъатга ҳурматсизлик қилиб қўйиш ҳеч гапмас. Шунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам муқаддас саҳнага ҲАЙНАБ ЧИҚИШДАН ташқари минг марта ҲАЙЛАБ ҳам чиқиб керак.

— Бундан ташқари, рақс санъатининг саҳна ортидаги машаққатли томонлари ҳам бор. Айтмоқчиманки, баъзан тинимсиз машғул-лот-репетицияларда кунт билан қатнашиш талаб этилади. Яна бир жиддий тарафи, айримларнинг бўлар-бўлмас, маломатларига ҳам чидаш керак, тўғрими? Раққосаликни танлашдан аввал бу йўлнинг ана шундай қийин, мураккаб жиҳатлари ҳақида ҳам ҲАЙЛАБ кўрган-мидингиз?

— Ишонасизми, мен боғча ёшимдаёқ шу соҳани танлагандим, десам, муболағага йўйманг. Онаминг айти-

Мукаррама Турғунбоева номидаги “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси раққосаси, қатор халқаро кўрик-танловлар совриндори — Сехриё Мирзаева бу сирли ва мураккаб санъат йўлини бежиз танламаганига у билан суҳбатлашгач, ишонч ҳосил қиласиз. Уни четдан туриб бироз кузатамиз. Ўзининг ғайрат ва ҳаяжонини сўз билан эмас, нафис хатти-ҳаракатлари билан ифодалаб беришга интилаётган иқтидорли раққосанинг эртаси ёруғ эканига умид уйғонади.

шича, болалигимдаёқ турли хил байрам кечаларида рақсга тушарканман. Ҳатто ёнимдаги дугоналаримни улар истаса-истамасаям, турсолиб, қўлларингни мана бундай ҳаракат қилдирасан, оёқларингни бундай тутасан, деб ўйинга тушишга мажбурлар эканман. Мактабда ўқиб юрган кезларимда эса қизиқишларим янада ортди, машҳур раққосаларга тақлидан ўзимча ҳар хил рақсларни ўргана бошладим. Мендаги қобилият учқунларини кўрган онам 8-синфга ўтганимда ўқишимни Фарғона шаҳар санъат коллежида давом эттиришимни тавсия қилдилар. Бу даргоҳда Набижон Раҳимов, Севара Турсунова каби устозларимнинг сабоқлари кейинчалик мени Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабига етаклади. Шу ўринда фидойи устозим, Ўзбекистон санъат арбоби, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Қўрқмас Сағатов номини алоҳида тилга олишни истардим. У киши менга аниқ бир мақсад билан яшашни, касбимга доимо масъулият билан ёндашишни ва ҳатто атрофдагилар менинг муомала маданиятимга қараб фаолиятимга баҳо беришлари мумкин эканини ўқитиб келганлар.

Тўғри таъкидлагандек, рақс санъатининг, раққосаликнинг ҳам ўзига яраша масъулияти, жавобгарлиги бор. Афсуски, орамизда ижодни ҳис қила олмайдиган, дидсиз кишилар ҳам учраб туради. Улар тўй-томошаларда ўз иқтидорини пул, моддий манфаат учун қурбон қилаётган хаваскор ўйинчилар (тушунинг, улар раққоса эмас) билан профессионал соҳа вакиллари аҳрота олмайдилар ва оқибатда, ҳар хил бўлмағур гап-сўзларни айтиш-

Истеъдод

дан тоймайдилар. Шахсан мен, машҳур устозларимиз насихатиға қатъий амал қиламан, тўй-тантаналарга раққоса бўлиб эмас, меҳмон сифатида боришни маъқул деб ҳисоблайман.

— Тўғри, раққосанинг нафақат юз-кўзларидаги самимий кулгутабассум, балки унинг бажараётган ҳар бир хатти-ҳаракатида ҳам сўз, маъно, мазмун-моҳият бўлиши кераклигини биламиз. Буни халқимизнинг ўлмас “Тановар” миллий асари мисолида яққол кўришимиз мумкин. Лекин кейинги вақтларда баъзи раққосаларнинг ҳаракатларини кузатиб, зўрма-зўракиликка берилиш ҳолатларини кўраймиз. Сизнингча, бу ўзига хос услуби ёки мусиқа оҳангига мос равишда ҳаракатларни бажариш ҳам рақс ҳисобланадими?

— Нима десам экан, рақсни сўз билан ифодалаш қийин, айниқса, бизнинг шарқона, миллий ўйинларимизда ўзига хос нафосат, ҳаё, назокат мужассам бўлганлиги боис, уларни оддий имо-ишоралар билан ҳам намойиш этиш катта маҳоратни талаб қилади. Ҳатто қўшиққа эмас, фақат кўйнинг ўзига рақсга тушганида ҳам унинг ҳаракатлари орқали нима демоқчи эканлиги акс этиб туриши керак. Буни рақс санъатини ўрганиш учун бир-икки мартаба китоб варақлаш билан кифояланмасдан, уни назарий жиҳатдан ҳам пухта ўрганиш киши жуда яхши билади. Биласизми, ҳар гал “Тановар” кўйини эшитганимда беихтиёр кўз олдимда саҳнага оҳиста қадамлар билан юзини яшириб, кўзларини олиб қочаётган, назокат ва фасоҳатли, ҳассос санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева сиймоси гавдаланди. Устоз талқин этган «Тановар», «Жонон», «Пилла», «Муножот» ва яна бошқа кўплаб рақслар ҳар қандай инсон руҳига жон бағишлайди.

— Сехриё, ҳали ёшсиз, катта довлар, оғир синовлар олдинда. Келгусида айрим сабабларга кўра бошқа соҳани танлашга тўғри келса ҳам барибир рақс санъатига бўлган меҳр-муҳаббатингиз сўнмаслигига ишончингиз қилими?

— Башорат қилишни ёқтирмайман. Тақдир пешонамга не бир кечмишни ёзган бўлса кўраверамиз. Вақт, ҳаёт қонуниятларига бўйсунмаслиқнинг имкони йўқ. Лекин бори-бори энди ортага йўл йўқ. Меҳрибон онам ва синглим, жонқуяр устозларим бор. Улар мени доимо қўллашди, тўғри йўл кўрсатишди. Шунинг учун ҳам орзулари осмон қизман.

“Оила ва жамият” муҳбири
Барно МИРЗААҲМЕДОВА
суҳбатлашди.



БЎҒЖОМА — кийим-кечак, кийимлик газламалар, эски-тускилар тугиб қўйиладиган катта мато — кашта гулли чойшаб “бўғжом” деб аталади. “Бўғжом” ҳозир ҳам баъзи вилоятларимизда сақланиб қолган ва ундан келиннинг сарполарини сақлашда фойдаланилади.

Беруний ўзига керакли буюмларни бўғжомга жойлаб, тонг саҳарда карвон билан йўлга тушди.

Миркарим Осим

ЧУМЧУҚКЎЗ — меваси жингалак туқлар билан қолланган бирйиллик доривор ўсимлик тилимизда “чумчуккўз” деб аталади.

Унда митти-митти чумчуккўздан тортиб кўнғир кўзигуллару оқ-сарик бойечаклар ҳам очилиб ётарди.

Шукур Холмирзаев

ЙЎРҒА — майда қадам ташлаб, тез юрадиган от “йўрға” деб аталади. Шунингдек, бешикнинг бир текисда, осон тебраниши учун унинг орқа ва олд оёқлари остига кўндаланг ўрнатилган ёйсимон ёғоч мослама ҳам “бешикнинг йўрғаси” дейилади.

Энг яхши зар чопонини кийиб, тилла камарини боғлаб, узун қиличини осиб, саман йўрғани миниб, йўлга чиқди.

Чўлпон

КОМАНДИР — “командир” сўзи асли лотин тилидан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи “ишониб топширмак”, “юкламак” деган маъноларни англатиб, ҳарбий қисм, бўлима, кема ва шу кабиларнинг бошлиги мазмунини ифодалаб келади.

Сув ости кемаси командири.

Ҳарбий атама.

ҚОВЗОҚ — дуқакли ўсимликларнинг дони турадиган пўст “қовзоқ” деб аталади.

Карам уруғи аста-секин, дастлаб пастки шохлардан пишади. Пишган қовзоқлар ёрилиб, улардан уруғлар ерга тўкилади.

Журналдан

КЛАВИШ — “Клавиш” сўзи лотинчадан кириб келган бўлиб, унинг туб илдизи “калит” деган маънони англатади. Дарҳақиқат, мусиқа асбобларида уларни ҳаракатга келтириб, овоз чиқариш учун уриладиган платмасса тўгма ёки тахтача калит вазифасини ўтайди.

Гоҳ ҳаёлчан тебраниб, пианинонинг клавишларига тикилиб қолар ва гоҳ илҳоми зўр келиб, яна ашуласини давом эттирар эди.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР
тайёрлади.

Муштарий илҳом

ОТАМГА

Юз билан юзлашсин ёшингиз,
Ғам нима билмасин бошингиз.
Сиз борсиз, жаннатдек уйшимиз,
Сиз борсиз, йўқдир ҳеч ўйимиз.

Соғинчларим сўлмас хуморим,
Сиз менинг асровчи туморим.
Сиз борсиз, қўллагай Аллоҳим,
Бахтимга бор бўлинг, паноҳим.

ТИЛАК

Хур замонда кулиб ўйнайлик,
Ғам бегона энди қувнайлик.

Оқ гулларга тўлсин, бу дунё,
Шодмонликдан кулсин, бу дунё.

Яхшиликни айлайлик одат,
Бизни қучсин бахту саодат.

Қамола ПАРМОНОВА,
Қамаши тумани, “Қорабоғ” ҚФЙ.

ЯШАШ БОШҚА, ҲОЮ-ҲАВАС БОШҚА

— дейди Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали шошилинич гинекология бўлими врач-ординатори Наргизахон ТУРАНОВА

— Шошилинич тиббий ёрдамга муҳтож бўлиб келаётган беморларни кузата туриб: “Бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мумкин эди-ку”, деб ўйлаб қоламан. Чунки қизларни эрта турмушга узатиш натижасида юзага келаётган ёш туғруқлар бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди, — дейди Наргизахон Туранова биз билан суҳбатда. — Тўғри, сўнгги пайтларда бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилгани натижасида бундай ҳолатлар нисбатан камайди. Лекин, афсуски, учраб турибди. Ҳою ҳавасга берилиб, шовма-шомалик билан ҳатто 16-17 ёшда қизларини турмушга узатаётган ота-оналар ўз хатоларини жуда кеч англамоқдалар. Бунгача аёлнинг саломатлиги жиддий хавф остида қолмоқда: хомиланинг тушиши, оғир туғруқлар, ногирон бола туғилиши... Буларнинг барчаси — ёш организм фарзандни дунёга келтиришдек катта жараёнга ҳали таяёр эмаслиги туғайли юзага келмоқда. Бундай ҳолатлар аёлда ҳам жисмоний, ҳам руҳий асорат қолдиришини унутмаслигимиз керак.

Мен шу ўринда фарзандлар саломатлигини асрашда ота-оналарнинг масъулияти



ҳақида алоҳида тўхталишни истардим. Уларнинг аксарияти боласини моддий томондан таъминлашга берилиб, саломатлигига, маънавий тарбиясига кам эътибор беришяпти. Қиз бола тарбияси, айниқса, жуда нозик масала. Қизларга болалик чоғиданоқ бўлажак она сифатида қараб, шахсий гигиенаси, одоб-ахлоқига эътиборни кучайтириш лозим. Бўлимимизга ёш келинчаклар асосан хомила тушиши оқибатида, олиб келинади. Биринчи фарзанднинг муддатига етмай туғилиши аёлнинг репродуктив саломатлигига, яъни келгусида бола кўришига нисбатан

жиддий хавф ҳисобланади. Бундай пайтда аёл маълум вақт даволаниши, организмни тўла тикланиши керак. Аммо келинчаклар яна тезроқ ҳомиладор бўлиш ҳақида қайғурадидилар. Сабабини сўраганимизда қайнонаси ундан ранжиггани, энди тезда “юкли” бўлиб, “айби”ни ювмоқчи эканлигини айтишди... Қайноналар бўлса “ишончни оқламаган” келиндан деярли хабар олишмайди. Аёлга онаси ғамхўрлик қилади. Таассуфки, бундай пайтларда қувё ҳам ўз онаси тарафида бўлади. Қарабсизки, ҳали тузалиб улгурмаган келинчак стресс ҳолатига ту-

шиб, иккинчи марта боласини йўқотади. Бундай руҳий зарбалардан кейин унинг тамомила тузалиб кетиши ва оиланинг сақланиб қолиши мушкул.

Юртимизда аҳоли ўртасида тиббий саводхонлики юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежизга эмас. Бу борада, айниқса, хотин-қизлар ўртасида тарғибот ишлари кучайтирилган. Аммо бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, токи қизларини ёш узатаётган оналар, келиннинг тиббий кўрикка боришига тўсқинлик қилаётган қайноналар, аёлига энг қийин пайтда таянч бўлмолаётган эркаклар бор экан, бу масалада самарага эришдик, деёлмаймиз.

Шу ўринда яна оиладаги маънавий муҳитга қайтишимизга тўғри келади, зеро, инсоннинг жисмоний ҳамда руҳий соғломлиги муштарак тушунчалардир. Боя айтганимиздек, кизининг орқасидан кеча-ю кундуз югуриб ғамхўрлик қилаётган она келинига совуққонлик билан қарайди. “Ахир у авлодими давом эттиради-ку”, деб ўйламайди.

Яна бир оғригимиз — оталарнинг орияти масаласи. Афсуски, ўз жуфтини асраб-авайлаб, химоя қила олмаётган йигитлар ҳам орамизда учраб турибди. Эркакларнинг оилада устунлиги, бир сўзли бўлиши миллатимизга хос фазилатлардан биридир. Биз бугунги даврнинг ўғил болалари тарбиясида ана шу нар-

сага жиддий қарашимиз, уларни иродали, қатъиятли ва масъулиятли қилиб ўстиришга эътибор беришимиз керак. Бу авлодлар бардавомлиги, миллат генофонди билан боғлиқ муҳим масаладир.

Иш фаолиятимизда учраётган яна бир оғриқли ҳолатни айтмасам бўлмайди. Кейинги пайтларда инфекция-юкумли касалликлар билан муурожаат этаётганлар ҳам учраб турибди. Бунинг сабаби аҳоли миграцияси билан боғлиқ. Хорижга чиқиб, ишлаб келаётган эркаклар кўпинча инфекция ташувчиси бўлиб қоляптилар. Бунинг олдини олиш учун жойларда уларни зудлик билан тиббий — кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилган, бироқ оилада ҳам бу масалага жиддий ёндашув бўлиши керак. Шунингдек, йод етишмаслиги, яъни буқоқ касаллигининг ҳам аёллар репродуктив қобилиятига салбий таъсири кўп кузатилмоқда.

Оилада ота-она ва болаларнинг саломатлиги тинчлик, хотиржамликни таъминлайди. Бугунги шиддаткор даврда оиламизга кўпроқ эътиборли бўлишимиз талаб этилмоқда. Озгина ғамхўрлик ва меҳр-эътибор билан юқорида айтилган барча муаммоларнинг олдини олиш мумкин. Барчамиз бир мақсад — соғлом оналардан соғлом болалар туғилиши йўлида ҳаракат қилаймиз. Бунга эришиш учун ота-она ҳам, келин-қувё ҳам, қайнота-қайнона ҳам бирдек масъулиятни ҳис этиши зарур.

Гулчеҳра АСРОНОВА
ёзиб олди.

...Муроджон вақт топди
дегунча, буважониси хузуриса
югуради. У киши ёшлигидан жуда
кўп бадиий китоблар мутлола
қилгани учун бўлса керак, ибратли
ҳикоятлар, ҳаётий воқеаларни
сўзлаб зериктирмайди.

Миркомил ота бугун ҳам неварасининг юрагига туғиб юрган мақсадини олдиндан билгани боис, ундан олдин гап бошлаб саволга тута бошлади:

— Ўғлим, бугун негадир кайфиятингиз ғалатиноқ. Тинчликми, ишқилиб?

“Гапни қандай бошласам экан”

ОҚИБАТ

деб ўйланаётган Муроджонни кутилмаган бу савол қувонтириб юборди. Ҳозир ўша кунги воқеани айтса, бир зумдаёқ малҳам тоғиб берадигандек, ялинганнамо оҳангда гап бошлади:

— Бобожон, шу десангиз... кеча мактаб биринчилигида 8 “Б” синф билан футбол ўйнаётган эдик. Айни ҳужум уштираётган маҳалда Нормурод деган дўстим қаттиқ йиқилиб, оёғи синиб қолди, энди...

— “Шунга қандай ёрдам берай-

лик”, демоқчисан-да, тўғрими? Дунёнинг ўзи синовлардан иборат. Қара, ана шу ўртоғининг бошига тушган кичкинагина шикаст орқали, қанчадан-қанча қалблар синовдан ўтказилади. Сенга ўхшаган синфдошлари, ота-онаси, ака-укалари, қолаверса, ўқитувчилар ҳам безовта. Дўстнинг дўстга қилган дуоси ижобат бўлади, дейдилар бўтам. Шунинг учун дарсдан кейин ошанлар йиғилишиб, касалхонага кўргани боринглар. Унинг учун бирор егулик ёки қимматроқ совға-саломдан кўра кўнглига малҳам бериб, кайфиятини кўтарсанглар тезроқ тузалади.

И б р а т

— Минг раҳмат, буважон, кўнглим тоғдек кўтарилди, — дея отахонни маҳкам қучоқлаб олди...

Дарслари тугаши биланок синфдошлари билан бамаслаҳат касалхонага жўнашди. Уларни кўрган Нормуроднинг кўзларида севинч ёшлари ҳалқаланди...

Турсунали ЮСУПОВ,
Риштон туманидаги
33-мактаб ўқитувчиси.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой (4 ой ўқиб, 2 ой амалиёт).
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиб, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиши — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиши олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, кеприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.
Бисер, яъни матога мунчоқли безак тушириш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой.
Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, даррахтчалар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, интернет — 1 ой.
Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона бор.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй, 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.
Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй, 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

Хизматлар лицензияланган

БИР ҲОВУЧ ДУР

Айтдилар:

— Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб билан топилади.

Муҳаммад Зехний

Бўлмас адабсиз кишилар аржманд,
Даст этар ул хайлни чархи баланд.
Алишер Навоий

Адаб ирфон илми ичрадур шамъ.

Анбар Отин

Хатлар - тақдирлар

Ассалому алайкум, "Оила ва жамият" газетаси ижодкорлари! Дилимда бир армоним бор: Болалигимдан талабаларга ҳавас қилардим. Бироқ, ота-онам бу хоҳишимни инобатга олишмаган, интилишларим билан қизиқишмаган. Ана шу нарса ҳалигача дилимни тирнайди. Баъзилар қиз болани "бировнинг хасми" деб тезроқ турмушга узатиб, ташвишлардан "қутулиш"га уринишади. Ахир, улар ўқиб, билим олгиси, жамиятда ўз ўрнини топгиси келади-ку!

АРМОНИМ — ҲҲҲҲ ОЛМАГАНИМ

"Қизнинг кўнгли нозик", деган гап бежиз айтилмаган. У ҳамма вақт ота-онасига ичидаги бор гапни очик-ошкора айтмайди. Андиша қилади, уялади. Шундай пайтда катталар ундан "Қандай орзуларинг бор, қайси касб-хунарни эгаллашни истайсан", деб сўрашлари керак, тўғрими?

Боласи учун елиб-югураётган, қўллаб-қувватлаётган ота-оналарни кўрсам, қувонаман. Ахир, боласининг эртаси учун қайғурганлар эртага невараларининг порлоқ келажагини ҳам таъминлайди-да. Айниқса, ҳозирги ёшлар интилувчан. ҲҲҲҲ-изланиб, ҳатто йирик халқро таълим муассасаларида ҳам билимларини мустаҳкамлаб келаётир.

Ота-оналар моддий қийналса-да, боласини ўқитаётган бўлса, кун келиб унинг меvasини кўришади. Ана шундайларни фарзандлар ҳам қадрлаши керак. Истагим, ҳар бир оилада меҳроқибат мустаҳкам бўлсин. Йигит-қизларга ўзлари истаган соҳанинг малакали мутахассислари бўлиб етишиш насиб этсин.

Дилдора ФАТХУЛЛАЕВА,
Оқтош шаҳри,
Янги ер кўчаси, 97-уй.
Самарқанд вилояти.

ТАБАССУМДА ИЗТИРОБ ЯШИРИН

Отаси оламдан ўтганида дугонам Дилфуза икки ёшда бўлган. Гулсара хола эса икки қизни ўқитмай, кам-қўстисиз катта қилди. Дугонам 15 ёшга кирганида бобоси: "Ёлғизлик Яратганга хос, энди турмушга қисанг ҳам бўларди", деб Гулсара холани узатиб юборди. Дилфуза ва опасининг таълим-тарбиясига ўзлари бош бўлишди.

...Гулсара хола меҳмонга келганида узоқ сўхбатлашиб ўтирамиз. Сир бой бермасликка уринади-ю, аммо эътибор берган киши унинг лабларидаги табассум ортида изтироб яширин эканлигини пайкайди. Қизларим отасиз ўсди, шундоқ ҳам кўнгли ярим, энди бахти тўқис бўлсин-да, деб хавотирланаверади. Баъзан менга кўнгироқ қилиб: "Дугонанг бирор нимадан қийналмаяптими, балки менга айтолмаётган муаммолари бордир, илтимос, кўнглидан нималар ўтаётганидан хабардор бўлиб тур!" дейдилар.

Ўтган ҳафта турмушга чиқаётганимни эшитиб, мени узоқ алқадан ва қизларимга ҳам сенинг йўлингни берсин, дея ниёт билдирдилар. Кўзларида ёш қалқди. Оналар фарзандларини барибир бошқача яхши кўришар экан!..

МОҲИРҲҲ,
Бухоро шаҳри.

ЁДГОРИМ ЁЛҲИЗГИНАМ

Бир неча йилдан бери шу газетани кузатиб бораман. Ҳаётнинг синовларидан ўтиб бораётган юртдошларимизнинг тақдир йўллари, мулоҳазалари мен учун қадрли.

Айниқса, умр сўқмоқларининг турли манзиллари ҳақида ҳикоя қилувчи "Хатлар — тақдирлар" саҳифасини ўқиганимда "Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шўқур қил" деган ибора ёдимга тушаверади. Беихтиёр ўйланиб қоламан. Қалбимдаги соғинч, алам, ғазаб каби туйғулар ўрнини аста-секин сабру тоқат ҳисси эгаллайди. Ёлғиз ўғлим — Ёдгоримнинг борлигига, тани соғ, ақли бутун воёга етаётганига шўқроналар қиламан. Аммо... Қалб ярасининг битиши қийин. Турмуш ўртоғим, раҳматли Файрат ака билан бор-йўғи тўрт ойгина бирга яшаганимиз. Қисмат қутилмаганда у кишини орамиздан олиб кетди. Меҳрибон, самимий, мард, жасур, олижаноб инсон билан қисқагина ўтказган кунларимиз менга бир умрга еттулик бахтни берган. Орадан ўн йилдан ортик вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз ўша онларнинг таровати билан ўзимни овутиб яшайман. Яқинларим ҳаётимни бошқатдан бошлашим лозимлигини кўп бора гапирди. Аммо буни истамадим. Чунки ўғлимизга ҳомилдор эканлигим дадасини ер бағрига қўйиб келишганидан бир неча кун ўтган, билганман. У киши ҳадемай оталик бахтига муяссар бўлишини айттолганим қалбимда оғрик бўлиб қолган. Энди Ёдгоримни камолга етказиш, худди отаси орзу қилганидек спорт устаси бўлиб етишишига шароит яратиш ягона мақсадим.

...Шўқурки, у бугун қўллаб ютуқларни қўлга киритиб келяпти. Аммо ёлғиз аёлга осон эмас экан. Нима учун унга кўпчилик айбдордек қарайди, тўхмат қилишади, қадамни пойлашади, деган саволлардан қийналиб кетаман. Яна амин бўламанки, ер юзюда бугунгача неча миллиард инсон яшаган бўлса барчасининг ўй-фикрлари, ҳаёллари ўзгача. Яхшиямки, ҳар ким ўз виждони олдида жавоб беради. Шундай пайтларда, яна ўша орамиздан эрта кетган турмуш ўртоғимнинг ёди менга далда бўлади, ҳаётнинг пасту баланд сўқмоқларидан ўтишимга мадад, куч-қувват беради...

Самимият билан ГУЛРҲҲ,
Тошкент вилояти.

ЎЗГА НАЖОТ ЙҲҲ



ши мумкин. Лекин ҳеч вақт она боласига хиёнатни-ку, қўя турайлик, бир чимдим алдовни-да, раво кўрмайди.

Она бутун ҳаётини фарзанди учун бахшида қилишга куну тун тайёр туради. Дилбандининг бағрида пайдо бўлишидан то ўзининг энг сўнгги манзилига қадар уларга қайғуради. У сенинг ранжитганингни кечиради, аммо билмасдан, боласи кўнгли озор етказиб қўйса борми, ўзини ҳеч қачон кечиролмайди.

Эҳтимол, Танграм она-ларни тупроқдан эмас, фаришталар каби нурдан яратгандир. Шунинг учун ҳам унинг қалбидан фақат меҳр нури таралади. Инсон зоти билиб-билмай бир-бирининг дилига озор етказиши. Ҳатто энг яқин кишининг — жуфти-ҳалолнинг ҳам хиёнат эшигини оч-

Унга қилган хизматинг, унинг сен учун чеккан заҳматининг мингдан бири ҳам эмаслиги ҳақиқат. Онангни ҳеч кузатганмисан? У ҳар гал ўрнинингдан турганинда, ишга кетишинингдан аввал, ишдан

қайтганинда ҳам, ҳатто ух-лаётган пайтингда кўзи, қалби, олтин дуолари билан сенинг икболингни тилайди. Тушларида ҳам сени ўйлашдан зерикмайди, чарчамайди. То улғайгунингга қадар кўксиди, қўлида, елкасида опичлаб катта қилган бўлса, ундан сўнг ўйларида, нигоҳ-ларида, алқовларида сени юксалтиради.

Она меҳридан ўзга нажот йўқ! У билан ҳамиша ҳар қандай кайфиятда сирлашсанг, унга бемалол суянсанг арзийди. Сенинг азамат елкалари, кўтаролмаган дарду ғам юкини унинг увоқина жисму жони кўтара олади.

Она — ердаги фаришта. Она — барча эзгу, гўзал амаллар ибтидоси.

ЮРАК

Юрагим, сен ҳеч қачон оғринма! Сен ҳеч қачон яшашдан зерикиб қолма. Бу оламда фақат сенга бемалол суянишим мумкин. Ҳар қандай синов ва машаққатда ҳам сен ўзининг қўлга олишинг керак.

Бирор ташвиш сабаб кўз ёш тўкиб, куйи-ниш, бу охишларнинг иши. Чунки бир мартагина ато этилган ҳаётда ҳасрат қилиб яшаш бефойда. Бизлар бир-биримизга суянч бўлмасак, тақдир устимиздан қотиб-қотиб кулади. Шунинг учун, юраккиман, мен хафа бўлган чоғимда сен мени юпат, кўз ёшимни арт. Сенга озор етказишса, мен сени овута-ман. Ахир сени мендек, мени сендек тушун-гувчи йўқ-ку, бу оламда!

Тақдир синовларига бардош беролмасак, сабр-тоқат қилмасак, яхшиликка интилмасак, бахт биздан юз ўгиради. Ён-атрофимиз гўзал-ликка бурканган. Ақл кўзлари билан оламга назар ташла, юракжон! Шунда дунё нақадар чиройли эканлигин, яшаш нақадар тотлигин англаб етасан. Ҳаёт фақат ташвишлардан иборат эмас. У берган неъматларнинг



барча-барчаси мўъжизага ўхшайди. Буларнинг эса чегараси йўқ. Аммо ҳамиша ҳам биз ўйлаган, орзулаган ниятлар амалга ошавермайди. Бунинг учун эса афсусланиш эмас, аксинча, олға интилиш зарур. Оқ ва қора, эзгулик ва ёмонлик, нафрат ва муҳаббат ёнма-ён бу ҳаётда, қаршимиздаги тўсиқларни ёнгиб ўтайлик. Юракжон, сен каби ўзгалар ҳам меҳрга ташна. Атрофимиз мўъжизага тўла. Фақат уларни кўра олсак, бас.

Ҳосият НИГОР,
Андижон вилояти.

ҚАЛБГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ!

Ёлғизликни ёқтираман. Ёзувчи ёки шоирларга ўзимни тенгламоқчи эмасману, лекин қоғоз қоралашни, ҳаёдан ўтганларини, кўрган-кечирганларимни ёзишга одатланганман. Тўғриси, мана шу йўл кўнглимга хотиржамлик беради, дам оламан. Ёшим йиғирмадан ошди. Ҳаётни кузатаман. Кўнглимдан ўтаётган туйғулар сабаб яна қўлимга қалам олдим...

Баъзан бир нуктага тикилганча узоқ вақт ўй сурашимиз. Гўё бутун дунё, барча тақдирлар мана шу ерга йиғилгандек. Худди ҳамма яхшиликлару бор дилдорликлар шунда жамланган. Биз уларнинг барини бирдек, борича кўриб турашимиз. Кўнглимизни хушлаганларини хотиржам, дилимизни хун қиладиганларини эса нафрат билан кузатишда давом эташимиз. Беихтиёр чуқур хўрсинишу бир торчи ёш сийлайди юзни.

Аслида, буларнинг ҳаммаси ботиний тафаккуримизнинг ҳаётга, борлиққа бўлган мулоҳазаси эканлигини кўп ҳам тушуниб етмаймиз. Шу пайт ўтган умримиз, яхши-ёмон кунларимиз ҳаёлимизда худди узун бир тасмадек айланиб, олис ва яқин хотирларини ёдимизга солади. Биз кечаги кун ҳақида ўйлай-миз, ҳаёл сурашимиз... Афсус



чекамиз, шўқур деймиз. Қайсидир қилмишларимиздан уялармиз ҳам. Бироқ биз ўша вақтда жahl ва алам билан айтган гапларимизга, тутган йўлимизга энди шунчаки қарай олмаймиз. Улар бор-йўғи ўтмишимиз деёлмай-миз. Ҳар бир кунимизни, қилмишларимизни мулоҳаза қилашимиз, фикрлаймиз. Оқни қорадан, яқини ёмондан ажратиб, тақдир синовларига энди бошқачароқ кўз би-

лан назар солашимиз. Сабаби, биз энди катта бўлдик, улғайдик. Тўғри, биз ўзимизни ҳеч қачон болашимиз, ҳали ақлимиз кўп нарсаларга етмайди демаганмиз. Баъзан эмас, балки доимо ўзимизни тўғри деб билганмиз. Шунинг учун ҳам бутун ўтмишининг барчаси бизга бир нуктада намоён бўлаётгандир.

Ҳаёт — қизиқ, деймиз. У ростдан ҳам қизиқмикан? Ахир, қизиқ бўлса, ҳеч бир инсон ҳаётда бахтисизман ёки омадидан чопмаяпти демаган бўларди-ку! Тўғри, орамизда бундайлар кўп эмас, лекин...

Юрагингизга қулоқ тутинг. Унинг дупурларида нимани сезяпсиз? Нера у баъзан ўқтин-ўқтин уради-ю, гоҳида унинг тепликлари кўксимизни ёриб юборади, дейди? Ахир, бу ҳолатларни биз қизиқ дея олмаймиз-ку. Аслида, ўша дупурларнинг сабабини биз ич-ичимиздан ҳис қилиб турашимиз. Булар қутилмаган аломатлики ёки хавотир хурсандлиги эмасми?.. Мана шу икки қарама-қарши ҳодисаларнинг ўйини ёки фақат биз истаганимиздек эмаслиги ҳаёт қизиқ, дейишимизга сабабмасмикан?

Ҳаёт қизиқ деймиз. У ростдан ҳам қизиқмикан?..

Дилбар АЛЛАЁРОВА,
Самарқанд вилояти.

Бугун инсоният бошига кулфат солаётган энг катта муаммолардан бири — гиёҳвандлик балосидир. Жаҳоннинг қайси бурчагига борманг, афсуски, шу оғу сабаб одамлар ҳаловатини йўқотган, ноғирон фарзандлар дунёга келаётми, қирғин-барот урушлар авжида. Ҳўш, гиёҳвандлик моддалари савдоси кенгайишининг сабаблари нималарда кўринади?

Дунёнинг икки нотинч ҳудуди оғу етиштириш, сотиш ўчоғига айланган: Колумбия ва Афғонистон. Бу мамлакатлардаги йирик-йирик плантациялар хилма-хил гиёҳванд моддаларини ўстириш бўйича узоқ тажрибага эга. Албатта, шунинг ортида катта молиявий даромад оладиган наркомангнат ва наркосиндикатлар уларнинг ҳазон бозорига олиб чиқишга бор имониятларини ишга солаётми. Айтмай-

мана шундай тезкор "қурол"дан фойдаланаётганини... Албатта, шу орқали улар кокаин, героин, марихуана сингари маҳсулотларига тезда харидор топади, пулдайди ва фойда кўради. Ачинарлиси, унинг одамлар ҳаётига таъсири...

Ҳозирги пайтда бедаво саналган ОИТС касаллигига асосан гиёҳвандлар чалинишади. Бундан ташқари, у юрак, қон-томир ва асаб тизимини ишдан чиқаради, яна афюн моддалар-

нинг маълумотларига кўра, дунёда 500 миллиондан ортиқ одам гиёҳвандлик дардига мубтало. Уларнинг аксарият қисмини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Бунинг оқибатида ҳар йили 200 мингдан ортиқ киши ҳаётдан кўз юмади. Шу билан бирга, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келиши ҳар дақиқа кишиларни сергак яшашга ундайди. Бунинг нечоғлиқ хавфли эканини юқоридаги рақамлардан англайсиз, бундан этингиз жунжакида, атрофга ҳушёр боқишга, яқинларингизни оғоҳликка чорлашга уринасиз.

XXI аср бизга мислсиз тараққиёт олиб келган эса-да, мислсиз кулфатларни етаклаб юргани ҳам сир эмас. Шуларнинг ичида энг хавфлиси шубҳасиз, айнан гиёҳвандлик моддалари балосидир.

Огоҳ булинг!

корликни талаб этади. Уни бир давлат ёки ҳудуд ҳал этишга қурби етмайди. Шу маънода гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан "Наркотик моддалар тўғрисида", "Психотроп моддалар тўғрисида" ҳамда "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш тўғрисида"ги конвенциялар қабул қилиниб, 1987 йил 7 декабрдаги резолюциясига кўра, 26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни сунистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш куни, деб эълон қилинган.

Мамлакатимизда бу балонинг олдини олиш, наркобизнес фаолиятига чек қўйиш мақсадида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларимизни турли шу каби салбий иллатлардан асраш йўлидаги саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётми. Шу сабаб юртимизда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланishi камаймоқда. Лекин бу бефарқликка олиб келмаслиги зарур.

Шунингдек, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани — Ўзбекистон 1995 йил февраль ойида БМТнинг наркотик моддалар, психотроп моддалар ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашга оид конвенцияларига қўшилганлиги, 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганлиги мунтазам равишда бу борада жиддий саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганини тасдиқлайди.

Ижтимоий тармоқларда яқин кунларда тарқатилган маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда 1,4 тонна наркотик моддалар йўқ қилинди. Жорий йилда 775 килограмм опий, 309 килограмм марихуана, 133 килограммдан зиёд героин, 93 килограммдан ортиқ наша, 84 килограмм кўкнори, шунингдек, катта миқдордаги кўкнори ва наша ўсимлиги, таблетка ва эритмалар шаклидаги гиёҳванд моддалар ёқиб юборилди.

Мухтасар қилганда, гиёҳвандликдан сақланиш нафақат келажакни асраш, балки соғлом турмуш тарзи ҳам демакдир. Огоҳлик эса ундан ўзимизни химоя этишининг энг мақбул чорасидир.

Олимжон ЖУМБОЕВ.

УМР КУШАНДАСИ

гиёҳвандлик биргаликда курашни талаб этади

лик, Колумбияда ўстирилаётган оғу Жанубий Америкага, Канада ва Америка Қўшма Штатларига, Кариб денгизи ҳавзаси орқали Европага жўнатилаётми. Ҳудуднинг сув йўллари билан туташлиги гиёҳванд моддалари энг кам тарқалган материк Африка давлатларига ҳам ўз маҳсулотларини етказишда муҳим омил бўлаётгани шубҳасиз. Афғонистондаги наркобизнес карчалонлари эса маҳсулотларини Европага ва Россияга, шунингдек, Араб мамлакатларига экспорт қилаётми. Маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, мазкур давлатда ҳар куни 82 ўсмир вафот этади. Йилига эса қарийб 30 минг киши турли сабабларга кўра дунёдан кўз юмади. Бу кўрсаткичи илгариги афғон уруши даври билан солиштирсак, деярли икки баробар кўп дегани. Албатта, ўлим сабабларидан бири бу айнан гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқлиги ачинарли ҳол.

Назар ташласак, бугун дунёнинг барча минтақаларига интернет кириб борган. Бемалол истаган киши билан мулоқот қилиш имкони бор. Бу эса наркодиллелар ошиги олчи бўлишига бирламчи омилдир. Негаки онлайн тармоқ орқали олди-сотди тузган икки тарафга бу тизим жуда қулайлик туғдиради. Энди тасаввур қилинг, дунёнинг манаман деган наркосиндикатлари ўзларининг қабих ниятини амалга ошириш учун



ни мунтазам истеъмол қилиш кўзни хиралаштиради, тишларни касаллантириб, тўқади, ошқозон-ичак, жигар, ўпка фаолиятини бузади. Бангилар ўта лоқайд, оиласи, аҳли-аёли, фарзандлари тарбиясига бефарқ бўлиб қолади. Бундай кимсалар қанчалаб оилаларнинг барбод бўлишига, жамият қорига ярайдиган ёшларни тубанликка юз буришига сабаб бўлишптики, уларнинг бу жиноятини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-


Шу тобда ер юзидаги наркобизнесда айланаётган пул маблағи дунё аҳолисининг озик-овқат, қийим-кечак, турар-жой, таълим тизими ва тиббий хизматга сарфлаётган харажатларидан анча ортиқлиги билан жиддий эътибор талаб этади. Унинг зарари жуда кўп: оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилиши, оилалар ва миллат генофондининг бузилиши баайни ушбу иллат ортидан дидир.

Глобал муаммо — наркобизнесга қарши курашиш давлатлараро ҳам-

— Адҳам ака билан бир-биримизга кўнгил қўйиб, турмуш қурган эдик, — дейди ўзини Гулчехра деб таништирган аёл. — Ўшанда дадам тўйимизга қаршилиқ қилганди. Чунки қайнотам раҳматли ичкиликка берилгани учун рўзғорга қарамас, уйдаги барча муаммолар қайнонамнинг зиммасига тушган экан. Бунинг эшитган дадам совчиларни бир неча маротаба қайтарди. Аммо мени шу йигитга бермасанглар, қочиб кетаман, деб онамни кўрқитдим. Ёлғонимга ишонган содда онам, йиллаб-сиктаб дадамни Адҳам акага турмушга чиқишимга кўндирди. Ўшанда менинг кўзларим севги оловидан кўр бўлган, атрофни фақат оқ ранглардан иборат, деб билардим. Эрим билан шундай чиройли ҳаёт кечирайки, дадам норози бўлганига ташаймон бўлсин, деб ўз ўзимга сўз бергандим. Қизим Гуласал туғилганига қадар чиройли ҳаёт кечирдик.

ОЙНИНГ ЎН БЕШИ...

Умр йўлдошим дўконда сотувчи эди. Кутилмаганда дўконга ўғри тушиб, шипшидон қилгач, савдони юргизиш учун қариндошлардан, таниш-билишлардан қарз олишимизга тўғри келди. Аммо кўп ўтмай одамлар уйимизга пулларини сўраб кела бошлади. Бу орада иккинчи қизим Шахло туғилди ва ҳақиқий синов бошланди. Эрим ичкиликка берилди, уни бу йўлдан қайтаришга ҳарчанд уринмай, у ўзида куч ва ирода топа олмаганидан менинг ҳаракатларим бефойда эди. Ёрдан сўраб, дадамнинг ёнига бораё дедам, уялдим. Оиламдан файзу барака кетди. Нима қилишни билмай қолдим. Кундузи мактабда дарс берсам, тун билан тикувчилик қиламан. Лекин бирор марта кўни-кўшни, қариндош-уруғларга



эримдан нолимадим. Катта олам ёш умрингни ҳазон қилипсан, ажраш, деб койирди. Лекин ҳаммасига чидадим. Охири...

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ деганлари рост экан. Тинимсиз чеккан заҳматларим ва насиҳат-

ларим туфайли ниҳоят эрим ичкиликни ташлаб, ишга кирди. Маҳалладошларим олдида юзимиз ёруғ бўлди. Қизларим менинг кўрган қийинчиликларимдан тўғри хулоса чиқаришига боис яхши таълим-тарбия олди. Каттаси ҳозир

грант асосида университетда ўқияпти. Кўндан бери уйимизга совчилар келаётганди. Бу ҳақда уйдагиларим, маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашдим. Шу орада бўлгуси куёв билан қиз бир-бирига маъқул келгач, унаштириб қўйдик. Тўйга озгина вақт қол-


Тақдир

ганда маҳалламиздаги гийбатчи аёллардан бири йигитнинг онасига қизнинг отаси пиёниста, сизларга мос эмас, дея шипшитибди. Куёв тараф кутилмаганда тўйни қайтарамизга тушиб қолса денг. Нима қилай, ўзим йигит билан учрашиб, ахир, тушунинг, сиз қизим билан яшайсиз-ку, бу кўр-кўрона душманлик, деб огоҳлантирдим. Йўқ, у ҳам онасининг раъйига қарши бора олмайди. Йилгадим, сиктадим. Бу воқеадан хабар топган маҳалламиз оқсоқоли, маслаҳатчи опа шу кунёқ қудамникига бориб, вазиятни обдон тушунтиришди. Ўртадаги аразу гушмақуратлар тарқалиб, ажойиб тўй бўлди. Қизимнинг бахтига тўғаноқ бўлган аёлнинг эса эл-улус олдида боши эгилди. Ҳозир қизим, кўз тегмасин, бахтли, саодатли яшаяпти...

Нигора АЛИШЕР қизи.

ҲАЁТНИ СЕВГАНЛАР БАХТЛИДИР

Она қишлоғим Ўкрача менга дунёнинг энг нафосатли маскани бўлиб кўринади. Ҳар гал борганимда Ургутдаги бу сўлим қишлоқнинг жилғаси-ю ариғи, бўтаси-ю дарахти, сўқмоғи-ю йўллари менга ширин туйғулар ҳаёя этади. Унинг тонги майин эпкиллари, баҳордаги шарқироқ сойлари саратон оқишмидаги қовун ҳидлари-ю, чигирткалар овози дилимга завқ бағишлайди. Қишда сандал атрофида суҳбат кураётган ҳамқишлоқлар даврасини соғинаман. Қилаётган ишларим, ёзаётган шеърларим, барча эзгу амалларим ана шу гўзал маскан, бетақрор қишлоғимга бўлган муҳаббатим туйғули деб биламан.



Айниқса, адирда боғ яратган одамларга ҳавасим келади. Чиройли уйлар, дарвозадан киришда бўй уфуриб турган райхонлар, анвойи гуллар кўзимни яшнатади. Муҳаббатли одамлар гўзал яшайдилар, чунки бу гўзалликни уларнинг ўзлари яратдилар. Уларда ана шу гўзалликни яратишга иштиёқ бор.

Болалигим ота-онамнинг пешона тери эвазига гулу гулзорга айланган жаннатмонанд ҳовлимизда ўтган. Катта ҳовлининг ярми боғ, ярми узумзор ва полиз экинларига тўла бўларди. Биз уйқудан турғунимизча, отам полиз оралаб, челакларни тўлдириб помидор, бодринлардан териб кўярди. Онам эса улардан кўни-кўшнларга ҳам илларди. Ҳамсоялар бўлса: "Бизнинг экинларимиз эндигина гулга кирди, сизлар қандай қилиб бунча эрта ҳосил олдингиз?", деб хайратланиб раҳмат айтишарди. Айниқса, ёзингиз кизгин палласида богдаги хилма хил узум ва меваларнинг гарқ пишганини айтмайсизми. Албатта, бу ҳосилдорлик ўз-ўзидан бўлмасди. Ота-онам мактабда ўқитувчи бўлиб ишласа-да, уй-рўзгор, деҳқончиликни ҳам жой-жойига кўярди. Тинимсиз ҳалол меҳнат қилиб, етти фарзандни улғайтирди. Ёнларига олиб ҳаётдан сабоқ берди, гўзаллик яратишга ўргатди.

Гоҳида шаҳар ҳавосидан сикилган пайтларимда болалигим ўтган қадр-

дон уйимни кўмсайман. Бориб қолсам, пенсияда бўлсалар-да, отамнинг кўлида кетмон билан ишлаганига, онамнинг супа четидаги гулзорни парваришлаётганига кўзим тушади. Шунда айбдорни тутган кишидек укамга қарайман. У хижолат тортиб, оғиз жуфтлашга улгурмасидан отам жилмайиб гап бошлайди: "Болам, бизлардан хавотир олма, Аллоҳга шукр, соғу омонимиз, уканг ҳам меҳнатдан бош тортмайди, ота ўғил, қара, бизга қандай замонавий уйлар куриб берди, барака топсин олиё. Мен эса, нима қилай, гимирлаб турмасам, касал бўлиб қоламан. Қанча тер тўкиб роҳатини кўрсам, шунча ёшараман!" Онам ҳам отамнинг гапларини маъқуллайди. Шундан сўнг кўнглим хотиржам тортгандай бўлади ва қайта-қайта уларнинг умри узок бўлишини Яратгандан сўрайман.

Бир кунни ўқувчиларимга "Менинг ободхонадоним" деган мавзуда иншо ёздирдим. Албатта, аввалига уларга саранжом-саршталлик ва гўзаллик моҳияти хусусида тушунча бердим. Кейин бадиий фильм ва асарлардан мисоллар келтирдим. Ҳар ким билганича, уларнинг ҳовлиси қаровсиз экан. Аммо қиз мендан уялиб, ўз хонадонини ниҳоятда гўзал тасвир-

Кўп ўтмай шоғирларимдан бирининг онаси келиб қолди ва бўлган воқеани айтиб берди. Маълум бўлишича, уларнинг ҳовлиси қаровсиз экан. Аммо қиз мендан уялиб, ўз хонадонини ниҳоятда гўзал тасвир-

Дилдошлик

лаган. Иншони ўқиган ота-она, ака-укалари уни роса муҳокама этишибди. Бир ҳафта ичида деворларни суваб, кўчадаги ариқларни тозалашибди. Демак, биргина иншо баҳонасида бу қизда гўзалликка муҳаббат туйғусини пайдо қила олди.

— Кўчадаги ариқ бўйидан ҳовлимиз ўртасигача гуллар экдик, — дейди ўша аёл, — ҳадемай юз кўрсатади. Сизга минг раҳмат, боламни уришмасдан, дакки бермасдан ҳам тарбияласа бўлар экан. Энди қизим уйда кутубхона яратамиз, ҳаммамиз китоб ўқиймиз деган талабни кўяяпти...

Ана шунақа, агар қалбда меҳр, иштиёқ бўлса, инсон ҳамма ишни қила олишга қодир. Ўз фарзандини севиш унга энг сўнгги модадаги кийим-кечак, қўл телефонини олиб бериш дегани эмас. Ўсмир ўғлига машинасини бериб қўйган отада ҳам ўз фарзандига ҳақиқий муҳаббат бор, дея олмайман. Сўзимнинг исботи учун бир мисол келтирмакчиман. СамДАҚИ да Ўткир Соатов деган ўқитувчи бор. Кейинги ўн йил ичида Самарқанд шаҳри, Ургут, Пастдарғом ва Пайариқ туманлари марказларидаги куйловчи фавворалар курилишига бош бўлди. Яқинда телевизорда шу домланинг ўғли, шу институт магистри интервью берди. Руҳободдаги фавворалар лойиҳасини у чизган экан. Демак, отадаги нафосатга муҳаббат фарзанд вужуди ҳам сингиб улгурибди...

Ўқимаган, боқибегам одам ҳаётни сева олмайди, доим нолигани нолиган, жон куйдириб ишламайди, ҳаловатдан воц кеча олмайди, атрофдаги ўзгаришлардан завқланмайди, осон турмуш кечириб, еб ётиш пайида юради. Надоматлар бўлсинки, бундай одамлар бизнинг орамизда ҳам топилади. Ваҳоланки, ҳаётимиз биз гурурланишга арзийдиган тарзда ривожланиб бормоқда. Муҳими, одамлар нима яхшию, нима ёмон эканини, ўз тақдирига ўзи масъулганини тушуниб етишяпти. Ана шундай пайтда зиёлиларнинг, фидойи инсонларнинг ибрати сув ва ҳаводек зарур. Меҳнат, илм, машаққат, изланиш, интилиш билан даромад ва обрў топаётган инсонлар ҳаётини кўпроқ тарғиб қилиш зарур деб ҳисоблайман.

Зухра ЭШОНҚУЛОВА,
Самарқанд таянч тиббиёт
коллежи она тили ва адабиёт
фани ўқитувчиси.



Чўққилар орзуси

Голландиянинг Гронинген шаҳрида бунёд этилган, баландлиги 37 метрлик ажойиб иншоот "Экскалибур" (Excalibur) деб номланади. Бу номни эшитиб, Фарб ривоятларидаги ўша машҳур афсонавий шамшир тасаввурингизга келгандир. Қайсидир маънода бу тўғри. Ростанам бу девор баланд осмондан қараганда тошга қадалган қилчани эслатади. Лекин одамлар уни кўпроқ бошқа бир номда аташади: "Чўққилар орзуси".



Гап шундаки, чўққисифат бу девор альпинизм билан шугулланишни кўнглига туккан спортчилар учун ажойиб имкониятдир. Бўлажак альпинистлар олис тоғларга отланмай, шу ердаги қоя ва чўққиларни забт этиш учун машқларни бажаришлари мумкин. Чунки девор айнан баланд тоғ чўққиларининг табиий ноқулайликларига монанд тарзда курилган. Биргина фарқли томони шундаки, альпинистлар қояларда осилиб туриш учун илгаларни тошларга ўзлари қадаб борса, бу ерда илгал ва бошқа зарурий мосламалар тайёр қилиб курилган. Яъни, табиий қоялардан фарқли ўларок, бу ерда барча хавфсизлик чоралари курилган.

Шундай бўлса-да, Экскалибур забт этиш мураккабликлари бўйича имкон қадар табиий чўққиларга ўхшаш қилиб курилган. Бош айланадиган даражадаги баландлик, ноқулай тарздаги оғма шакл ва ҳоказо. Альпинистлар юксаклик сари деворнинг қайси томонидан йўл олишни ўзларининг тажриба ва малакаларига қараб танлайдилар. Масалан, спортнинг бу тури билан эндигина шугуллана бошлаганлар оғиш бурчаги 45 даража бўлган қисмидан кўтарилиб кўришлари мумкин. Гарчи хавфсизлик чоралари курилган бўлса-да, тоғ-деворнинг энг баланд чўққисига фақат профессионал альпинистларгина етиб боришади.

Бугун бу антика девор нафақат альпинизм ишқибозларини, балки дунё мўъжизаларидан завқ олишни истаган хорижлик сайёҳлар эътиборини ҳам тортган.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

ШАРТЛАРГА МОС КЕЛМАСА...

Васият мажбурияти бўйича уй-жойдан фойдаланиш хусусида маълумот берсангиз.

Ж. Абдуллаев,
Тўйтепа шахри.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 123-моддасида белгиланган кўйилганидек, "Васият қилувчи турар жой ўтадиган меросхўрга бу турар жой ёки унинг муайян қисмини умрбод фойдаланиш учун учинчи шахсга бериш мажбуриятини юклашга ҳақли. Мазкур

мажбурият нотариус томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада ёзиб қўйилади.

Турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи кейинчалик бошқа шахсга ўтганида ҳам умрбод фойдаланиш ҳуқуқи ўз кучида қолади.

Агар турар жойдан фойдаланиш тартиби васиятнома шартларига мос келмаса, тарафлар ўртасидаги низо суд тартибиде ҳал қилинади".

Саволга Ўрта Чирчиқ тумани
1-сон ДНИ нотариуси Зафар ТУРҒУНОВ
жавоб берди.



Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — **Олимжон ЖУМАОБОВ**

Саҳифаловчи — **Ақбар ШОДИЕВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидгани САЙДАЛИМОВ,**
Камола АДАШБОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма
Г — 736. Формати А-3, ҳажми 2 табак. Адади
— 4773. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08